



The GEF
Small Grants
Programme



Uzbekistan

Ахборот
бюллетени
№3
01.12.2012

ЕР ЭНЕРГИЯ БИОХИЛМАХИЛЛИК

Қандай қилиб 1 га ердан 3 маротаба
кўп ем-хашак олиш мумкин

Асаларилар
фермерлар
хизматида

Дараҳтлар
хосилнинг
ҳимоясида

Ерларни яхшилаш
ва қўшимча
маҳсулот олиш –
Қорақолпоғистон
тажрибаси

ГЭЖ КГД
янгиликлари
ва воқеалари

Қисқача
дастуримиз
ҳақида



- 3 ОРОЛБҮЙИДАГИ СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ ФИТОМЕЛИОРАЦИЯСИ МИСОЛИДА ҚҰШИМЧА ДАРОМАД ОЛИШ ВА ЕРЛАРНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ҮХШИЛАШ** – ушбу мақола фермерларга құшимчадаромад олиш имконияти ва келгүсі хосиллар учун тупроқнинг унумдорлиги, стратегик үсимликтар – пахта ва бұғайни алмашиб әкиш тизимини бұзмаган ҳолда, сақлаш ёки ошириш ҳақида сүз юритади.
- 6 АСАЛАРИЛАР ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ҮСИМЛИКЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙÜЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МЕХНАТКАШЛАР** – мақола экологик функцияларнинг ишлатилиши нақадар муҳимлиги, ҳамда асаларичиларга қылинган оддий күмак қандай қилиб құшимчада хосил күренишидаги құшимчада фойда олиб келиши мүмкінligини күрсатади.
- 8 4 МАЙДОНЛИ УСУЛДА ЕМ-ХАШАК ЭКИНЛАРИНІ АЛМАШИБ ӘКИШ – 1 ГА ЕРДАН 3 БАРОБАР КҮП ҲОСИЛ ОЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ** – мақола ГЭЖ КГД томонидан Самарқанд вилоятіда амалға ошириладиган янги лойиханы тавсифлаб, ем-хашак етиштириш учун ерларни бошқаришнинг янги технологиясини ёйишга йўналтирилган. 4 майдонли усулда алмашиб әкиш ем-хашак етиштиришнинг жорий технологияларига нисбатан 2,8 маротаба күп хашак олиш имконини беради. Шу ўринда янги технология тупроқнинг сифатини яхшилайды ва уни унумдорлигини пасайишининг олдини опади.
- 10 ДАРАХТЛАР ҲОСИЛНИНГ ҲИМОЯСИДА ЁКИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ДАРАХТЗОРЛАР ҚАТОРЛАРИ ЕРНИНГ УНУМДОРЛИГИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛАДИ** – мақола мамлакатда агро-ўрмон манзарасини ташкил қилишнинг шамол эрозиясидан хосилни сақлаш ва шу тариқа хосилдорликни оширишдаги стратегик аҳамияттіни ёритади.
- 13 ГЭЖ КГД ЯНГИЛИКЛАРИ ВА ВОҚЕАЛАРИ –** Сизга қандай янги лойихалар бошланғанлығи, қандай воқеалар бўлиб ўтган ва нималар кутилаётганлығи тўғрисида сўзлайди.
- 16 ҚИСҚАЧА ДАСТУРИМИЗ ҲАҚИДА –** бизни биладиган китобхонга биз ҳақимизда эслатади, бизнинг дастуримиз тўғрисида илк бора эшитаётган китобхонга ишимизнинг усуллари ва дастуримиздан молиявий күмак олиш имкониятлари билан таништиради.



Хурматли ҳонимлар өз жаноблар, дўстлар!

Сизнинг эътиборингизга асосан тупроғимиз унумдорлигини ошириш масалалари га багишиланган наебатдаги ахборот бюллетенимизни тақдим этишига ижозат бергайсиз. Бугунги кунда ернинг емирилиши масалалари энг долзарб масалаларнинг бирига айланган.

Мамлакатимиз аҳолиси ошиб бормоқда, унумдор ерларимизнинг ҳажми эса чекланган, лекин афсуски тупроғимизнинг самарадорлиги ва соглиги тобора тушиб кетмоқда. Бу келажакда юртимизнинг озиқ-овқат ҳафғасизлигини ҳатарга қўйиши мумкин. Шунинг учун айнан ҳозир тупроқни сақлаб қолиш ва унинг унумдорлигини ошириш масалалари га кўпроқ эътибор бериш лозим.

Бизнинг дастуримиз маҳаллий аҳолига табиии ресурсларнинг емирилиш муаммоларини ҳал этишда мавжуд инновацион усулларни кўрсатиб бериш йўли билан кўмаклашишга ҳаракат қилмоқда. Мавжуд технологияни кўрсатиб бериш бошқа, аммо бу технологияни оммага етказиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш умуман бошқа масала. Айнан ўз самарасини берган технологияларни кенг ёшиш мақсадида биз ушбу бюллетенини чоп эттирумодамиз.

Ушбу сонда қишлоқ хўжалигимиз учун сармоя бўлиб хизмат қила оладиган еримизнинг соғлиғини сақлаб қолиш учун бир нечта усуллар берилган. Айнан сармоя. Жуда кам одамлар ерга сармоя сифатида қарашади. Кўплар эса ерга фақат чексиз фойдаланиш мумкин бўлган манба сифатида қарайдилар. Лекин афсус бу ундей эмас. Агар ерга сармоя қилинмаса, у бизнинг ҳаётимиз учун зарур бўлган маҳсулотларни етиштирмай қўяди. Шунинг учун унга албатта сармоя киритилиши лозим.

Умид қиламизки, бизнинг лойиҳаларимиз орқали одамлар буни тушуниб, ернинг унумдорлигини оширишга сармоя киритишни бошлайдилар. Балки айнан Сиз, китобхон, мазкур бюллетенда ёритилган технологиялардан фойдаланиб, уларни ёйишда кўмаклашасиз. Сиздан ушбу сонни ўқиб бўлганингиздан сўнг, бошқаларга ҳам мавжуд имкониятлар ҳақида гапириб беришингиз ҳамда бюллетеннинг адади чегараланганлиги сабабли уни бошқаларга, сизнинг фикрингизча бюллетен ёрдам бера оладиган одамларга беришингизни сўраймиз. Қанча кўп одам яхши тажрибалар ҳақида билишса, еримиз шунча яхши ва албатта унда ишлайдиган одамларимиз ҳам бойроқ бўлади.

Барча ташаббусларингизда омад Сизга ёр бўлсин .

Алексей Волков
Ўзбекистондаги Глобал Экологик Жамғарманинг
Кичик Грантлар Дастури
(ГЭЖ КГД) Миллий Мувофиқлаштирувчиси.

ОРОЛБҮЙИДАГИ СУФОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ ФИТОМЕЛИОРАЦИЯСИ МИСОЛИДА ҚҰШИМЧА ДАРОМАД ОЛИШ ВА ЕРЛАРНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ЯХШИЛАШ

Мазкур мақола Қорақалпоғистонда фитомелиорация ёрдамида ернинг ҳосилдорлигини инновацион усуллар орқали яхшилаш натижалари билан таниширишга қаратилган. Фермер құшимчы хосил ва озуқаларни сотишдан иқтисодий фойда олади (1 га майдондан 1,4-4 маротаба кўп) ҳамда ернинг ҳосилдорлигини яхшилайди (1 мавсумда чириндининг миқдори 0,04 фоиздан кам эмас), бу ҳам ҳосилдорликни кейинчалик ортишида ижобий акс этади. Умид қиласизки, технология Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида истиқболда қўллаш учун қишлоқ хўжалиги ходимларида қизиқиш уйғотади.

Бу усул нима сабабдан ва нега керак?

Фақат пахта ва буғдойни (алмашиб экиш тизими ни қўлламасдан) ҳамма жойда узоқ вақт давомида экиш тупроқнинг ориқлаши ва ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади.

Уруғлилар йигиб олингандан кейин ерга деярли бошқа нарса сепилмайди ва ёзниң жазира маисигидан ҳимояланмаган ер, жуда катта буғланиш натижасида қаттиқ шўрланади. Бир ой мобайнида тупроқ устки қатламишининг буғланиши гектарига 1,5-3,0 минг м³га етади, бу эса ёз мавсумида илдиз жойлашган зоналарда ер ости сувларининг минераллашувида тузларнинг гектарига 20 тоннагача жамланишини билдиради.

Пахта 1-йилдан кейин фосфорни ҳам, азотни ҳам сўриб олиб, ерни анча ориқлатади. Иккинчи йил пахтанинг яна экилиши, ориқлаган ернинг янада зўриқишини кучайтиради.

Мазкур усулни қўллашасосий экинлар (пахта ва буғдой) нинг экиш талабларини бузмаган ҳолда, ер ва сувни оқилона ишлатиш, иккиласми шўрланиш ва тупроқ ҳосилдорлигининг пасайиши муаммосини ҳал қиласиди. Тупроқни үимоялайдиган мазкур тизим ҳосилдорликни ошириш, намликини сақлаш ҳамда чорвачилик учун озуқа базасини кўтаришда анча самара дордир.

Усулнинг мазмуни

Амалиётнинг мазмуни шундан иборатки, мавжуд бўлган алмашиб экиш (пахта, буғдой) таркиби га дуккакли экинлар қўшиб экилади. Кузги-қишки мавсумда дуккакли-дон оралашмасини асосий экин (пахта) билан расад қилиб, қатор оралаб ҳамда кузги буғдойга бедани қоплаш учун экиш усули қўлланилади.

Технология узлуксиз занжирга риоя қилиниши керак, унга кўра тупроқ тирик ўсимлик билан қопланиб, доимо ҳимояда бўлади ҳамда уни органика билан тўйинтириб туради, яъни айнан:

1 йил

Пахтани экиш ва йигиши. Пахтадан кейин дуккакли-дон оралашмаси экилди. Бизнинг ҳолатимизда бу

тритикале + қишки нўхат бўлди, бироқ аралашма, шунингдек, бошқа варианларда бўлиши мумкин. Аралашма илдиз тизимининг ўсиши ва қўкат массанинг май ойининг бошида теримдан кейин қолган ўсимлик қолдиқларининг ҳайдаб юборилиши ҳисобига тупроқни бойитади. Йигилган кўкат масса чорва учун энг зўр озуқа бўлади. Ҳосилдорлик гектарига 100 центнерни ташкил қилиши мумкин, бироқ бизнинг ҳолатимизда 42,7 ц/га тенг бўлди.

2 йил

Май ойининг бошларида қўкат масса йигилгандан кейин иккичи йилга ўтадиган пахта яна қайтадан экилади. Пахта терилгандан сўнг 2-йил кузда яна кузги буғдой сепилади.

3 йил

Кейин баҳорда далага буғдой билан бирга беда экилади, у ҳам азотни йигиши ва ўсимлик қолдиқлари туфайли тупроқни органика билан бойитади. Асосий ўсимлик (буғдой)ни сиқиб қўймаслик учун беда баҳорда экилади. Буғдой ўрилгач, фермер бедадан 2 маротаба ҳосил олади, тупроқ эса фиксациялашган азот ҳамда тупроқдаги намликининг буғланишини пасайтирадиган ва тупроқнинг шўрланишини камайтирадиган тарқоқ илдиз ва доимий ўсимлик қоплами кўринишидаги органикага эга бўлади. Қишида яна кузги буғдой экилади.

4-йил

Кузги буғдойни йигиши. Бедадан 2 маротаба ҳосил олиш. Бедани қишига қолдириш.

5-йил

Бедани йигиши. Пахта экиш ва биринчи босқичдан бошлаб схема яна давом этади.

Лойиҳа натижаларининг тавсифи

Ишлар 2010-2011 йиллар Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли ва Қонликўл туманлари ҳудудида ўтказилган. ГЭЖ КГДнинг лойиҳалари 5 йилдан ортиқ давом этмаслиги сабабли, 10 гектардан бўлган ҳар хил майдонларда оралаб ҳамда аралаштириб экишда алоҳида экинлардан фойдаланилди: пахтадан кейин дуккакли-дон оралашмаси ҳамда буғдойни қоплаш учун беда.

Оралаб экиш

2010 йилнинг кузида тритикале + қишки нўхат экилган эди. Экинлар қишидан яхши чиқиб, тўлақонли кўчкатлар олинди. Экиннинг кўптармоқли илдиз тизими намликини йигиши учун ҳамда қишки ёғингарчиликни тўплаш учун шароит яратиб берди, шунингдек, тупроқни ҳаддан зиёд буғланишдан сақлаб, қайтадан шўрланишдан асрари. Кўкат масса йигиб олингач, қолдиқлар ерга ҳайдаб юборилади (1-расм).



1-расм. Тритикалени ўғит учун хайдаш

Пахта даласида “күкат ўғитни” қўллаш, тупроқ ҳосилдорлиги манбаси бўлмиш органик модда захирасини тўлдиради. Назорат майдонининг дуккакли-дон аралашмаси экилган дала майдони билан қиёслаганда шу нарса намоён бўлдики, илдиз жойлашадиган қатламда тузлар таркиби хлор-ион бўйича 0,002 фоизга, қаттиқ қолдиқлар бўйича 0,04 фоизга камайди.

Тритикалени кўкат ўғит сифатида қўллаш, шунингдек, пахтанинг оптимал даражада ўсиши ва ривожланишини таъминлаб берди. Ҳосил элементларини тўплаш бўйича тритикаледан кейинги пахта анъанавий ишлов берилган назорат майдонидаги пахтанинг ҳолатидан анча ўзис кетди. Шундай қилиб, намойиш майдонидаги ҳосил элементлари сони августнинг бошига келиб 11,2 донани, назорат майдонидаги бу кўрсаткич эса 10,8 донани ташкил қилди.


Оралаб экишни намойиш қилиш ва синовдан ўтказиш Қорақалпоғистон Республикасининг иккита фермер хўжалигига ўтказилди.

Жадвалдан кўриниб турибдики, кўкат масса ҳайдалгандан кейин пахта хомашёсининг ҳосилдорлиги тритикале экilmagan назорат майдонига қараганда ўтра ҳисобда 4,5-8,6 фоизга кўпроқ.

Лойиха томонидан, шунингдек, технологиянинг рентабеллиги ҳамда иқтисодий жозибадорлигининг ҳисоб-китоби амалга оширилди. Умумлашти-

рилган иқтисодий кўрсаткичлар 1-сонли графикда келтирилган.

Оралаб экишнинг амалиётининг (1) анъанавий амалиёт (2) билан тақослаш - Иккى майдон бўйича ўртача кўрсаткичлар



1-сонли график. Оралаб экишнинг иқтисодий самараси

Кўриниб турибдики, янги усульнинг даромадлилиги анъанавий усулдан камида 1,5 маротаба ортиқ.

Аралаштириб экиш

Таклиф қилинаётган тупроқни ҳимоялаш тизимида беда ва кузги буғдоини қўшиб экиш кейинги муҳим таркибий қисм ҳисобланади. Шу ўринда кузги буғдои кузда экилиб, баҳорда ўсиб турган



2-расм. Буғдои ва беданинг ўсиш зичлигини ўлчаш

1-жадвал. Пахта ҳосилдорлиги анъанавий ва янги технология орқали

	Тритикаледан кейин пахта майдонидаги ҳосил (пахта хомашёси ц/га)		Анъанавий ишлов берилган назорат майдонидаги ҳосил (пахта хомашёси ц/га)	
	Биринчи терим	Умумий ҳосил	Биринчи терим	Умумий ҳосил
Қонликўл туманидаги «Таумурат бий», фермер хўжалиги	16,7	32,5	16,5	29,7
Кегейли туманидаги «Давлат» фермер хўжалиги	17,9	31,5	18,6	30,1



3-расм. Буғдой ўрилгандан сүнг беда

буғдой даласига ҳар бир гектарга 30 кг меъёрда беда уруғи кўлда эқиб чиқилди.

Қўшиб экишга ажратилган ер 20 га эди, Кэгейли ва Қонликўл туманларида 10 гектардан ерга экин экилди. Назорат ерларида анъанавий экин бор эди, яъни бедасиз кузги буғдой.

Қурғоқчилик шароитида бу технологиянинг сувни тежаш хусусиятлари жуда муҳим. Тупроқнинг органик моддаларини кўпайтириш тупроқда намлини ушлаб туриш хусусиятини беради. Бундан ташқари, тупроқнинг тўлиқ ўсимлик билан қопланган қисми тупроқ намлигининг буғланишини камайтиради, шу туфайли биз одатдаги технологияга нисбатан 735 м³/га ерни суғориш учун сувни тежадик. Бошқача қилиб айтганда, бу услуб суғориш сувларини 7 фоизга тежайди.

Июн ойининг бошида кузги буғдой йиғиб олинди. Арапаштириб экилган далаларда кузги буғдой ҳосили 41,2-41,5 ц/га ни ташкил қилди, назорат далаларида эса - 38,6 ц/га Биринчи ўримда беда хашагининг ҳосили 18,3-19,0 ц/га бўлди. Кузги буғдой йиғиб олингандан кейин бедани хашакка қолдиришди ва бир марта сув қўйишиди (июннинг охирида), шундан кейин беда иккинчи марта ўрилди. Беда далада қуритилди ҳамда чорва учун озуқага зичланди. Иккинчи ўримда беда хашагининг ҳосили гектаридан 27,5 центнерни ташкил қилди. (4-расм).

Беданинг бўйи паст бўлгани сабабли биринчи ўримда буғдойни ўрадиган механизмга салбий таъсир кўрсатмади. Беда хашагининг иккинчи




4-расм. Кузги экинлардан сүнг бедани ўриб олиш

ўрим ҳосили гектаридан 46,3-47,3 центнерга тенг бўлди.

Кузги буғдой ва бедага бирга ишлов бериш харажатларининг мониторинги шуни кўрсатдики, арапаштириб ишлов беришда кузги буғдой ва беда бир вақтда экилгани ҳисобига харажатлар гектаридан 182 минг сўмга қисқарди. Арапаштириб экишнинг иқтисодий самараси 2-сонли графикда келтирилган.

Арапаш экишнинг (1) фойдасини анъанавий кузги экинларни экиш (2) билан таққослаш - икки майдондан ўртача миқдор



2-сонли график. Арапаштириб экишнинг иқтисодий самараси

Иқтисодий таҳлилдан кўриниб турибдик, янги усулнинг умумий даромадлилиги ўртача икки баробар ортиқ (Кегейли туманида 393 фоиз ва Қонликўл туманида 401 фоиз).

Хулоса ва маслаҳатлар

Шундай қилиб, таклиф қилинаётган оралаб ва арапаштириб экиш технологияси пахта ва буғдой каби асосий ўсимликларни экиш талабларини бузмаган ҳолда қўйидагиларга эришиш имконини беради:

- ерларга анъанавий усулда экиш билан солиширганда 1 га суғориладиган ерлардан қўшимчча ҳосил олиш ва 1 га дан 1,4-4 маротаба ортиқ миқдорда фойда олиш;
- қўшимчча ерларни ажратмаган ҳолда чорвачилик учун дон экинлари ҳосилини олиш;
- органик моддалар билан бойитиш ҳисобига тупроқ ҳосилдорлигини ошириш;
- бир мавсумда тупроқдаги органик модда миқдорини ўртача 0,04 фоизга ошириш шўрланишини камайтириш ва тупроқдаги намлини ушлаб қолишни яхшилаш ҳисобига ошириш;
- келажакда ўсимликлар ҳосилдорлигини органика миқдорини ошириш, шўрланишини камайтириш ва тупроқдаги намлини ушлаб қолишни яхшилаш ҳисобига ошириш.

Мазкур усулни мамлакатнинг бошқа вилоятларида ҳам кенг тадбиқ этишни маслаҳат берамиз.

Тўлиқ маълумотни ГЭЖ КГД сайтидан олишингиз мумкин.

**АСАЛАРИЛАР
ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ
ҮСИМЛИКЛАРИНИНГ
ХОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ЙÜЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН
МЕХНАТКАШЛАР**

Күпчилек асалариларни асал берадиган, баъзида эса одамларни чақиб 🐝 оладиган ҳашарот сифатида қабул қиласди. Башқа маҳсулотлар ёки хусусиятлар билан асаларилар, асосан, кўз олдимизга келмайди. Бироқ башқа ҳашаротлар каби уларнинг аҳамияти ҳам анча катта бўлиб, табиатда ниҳоятда муҳим ўрин тутадилар. Ҳамма фермерлар ҳам асаларилар қишлоқ хўжалиги үсимликларининг ҳосилдорлигини оширишда қанчалар зарур эканини билмайдилар. Қуидаги ҳикоя асаларилар ҳамда фермерларнинг ёқимли ва ўзаро манфаатли қўшничилигининг айрим қирраларини тавсифлаб беради.

Фермерлар асалариларга үсимликларининг ҳосилдорлигини оширишнинг зарур қисми сифатида муносабатда бўлишлари керак. Лойиҳамизнинг мақсади махаллий бўлсада, яъни Тошкент вилоятининг Паркент районида уй асаларичилигини ёйишга кўмак кўрсатиш бўлса-да, биз шунингдек фермерларни асаларичиликни кенгайтиришга жалб қилишни хоҳлаган эдик. Сабаби оддий: агар экин экилган дала ёнида асалариларнинг қутилари бор бўлса, қутилар йўқ бўлган далаларга нисбатан, ҳосилдорлик сўзсиз юқори бўлади. Кўплаб мамлакатларда фермерлар асаларичиларга унинг майдони ёнига қутисини жойлаштиргани учун пул тўлайдилар.

Бу жараён сода: үсимлик мевалари чанглатиш жараёнисиз юзага келиши мумкин эмас. Үсимликлар икки турга бўлинади – ўз-ўзини чанглатадиган (буғдой, нўхат, картошка ва бошқалар) ҳамда четдан чангланадиган (пахта, беда, кунгабоқар ва бошқалар). Четдан чангланиш сунъий, яъни шамол ёки ундан-да самарали ҳисобланган ҳашаротлар ёрдамида бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ҳашаротлар ёрдамида четдан чангланиш – мойли, ем-ҳашак ҳамда техник үсимликларнинг

«Тажрибалар аллақачон шуни исботладики, асалариларнинг чанглатиши туфайли яхши агротехника ҳисобига қишлоқ хўжалиги үсимликларининг ҳосилдорлигини анчагина кўтариш мумкин. Масалан, мевали дарахтлардан 50-60 фоизга, кунгабоқар, рапс ва ханталдан - 45-50 фоизга, гречиха маржумакдан - 50-55 фоизга, эспарчет, беда, викидан - 35-40 фоизга, полиз экинларидан - 100-150 фоизга кўпроқ ҳосил олиш мумкин. Асаларилар гулларни чанглатганда карам, пиёз, сабзи каби сабзавотларнинг ҳосили анчагина ортади. Яна шу нарса муҳимки, асаларилар гулларни яхшилаб чанглатса, мева ҳамда уруғларнинг сифати сезиларли даражада яхшиланади».



кўпчилиги учун муҳим экологик жараён. Чангланиш, шунингдек, мевали дарахтлар (ўрик, олма, нок, олча, гилос, олхўри, шафтоли), реза мевалар, сабзавот экинлари (бодринг, пиёз, карам, шолғом, редиска ва бошқалар)ларнинг, шу билан бирга ёпиқ тубли шароитдаги үсимликларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун ҳам ўта зарурдир.

Асаларилар томонидан чанглатиш жараёнини гулли үсимликларга ишлов бериш технологиясига кенг миқёсда киритиш керак, бу жараённи ташкиллаштирувчи асаларичиларнинг меҳнатига эса ишнинг сифати ва чанглатиладиган үсимликнинг ҳосилига қараб кўшимча пул тўлаш зарур. Масалан, АҚШда бир акр (= 0,405 га) майдонни чанглатиш учун фойдаланиладиган ҳар бир уя учун 50 доллардан пул тўлаш йўлга қўйилган». Кашковский В.Г. Асаларилар ва ҳосил (В.Г. Кашковский, Н.Д. Машинская - Новосибирск 2005 – 111-б.)..»

Мисол учун пахтани олайлик:

«Пахтанинг гулчанги оғир ва ёпишқоқ, шунинг учун шамол ёрдамида чангланишнинг иложи йўқ. Чангнинг бир үсимликдан иккинчи үсимликка ўтиши ҳашаротлар, асосан қовоқари ва асаларилар ёрдамида амалга ошади. Гулчанг манбаси орасидаги масофа ошган сайин чангланиш фоизи ҳам пасаяверади. Дала тадқиқотларининг натижаларига кўра, чанглатиш уруғларининг ёйилиши 4 км масофагача амалга оширилиши мумкин».¹

Асаларилар пахтани чанглатиши натижасида пахта хом-ашёсининг чиқиши анча ошади (10-24 фоизга) ҳамда унинг сифати ортади. Ҳосилдорликнинг ортиши биринчи ва иккинчи наслда ҳам кузатилади.

Ҳосилдорликнинг ортишига кўшимча тарзда иқтисодиёт учун тўғридан-тўғри олинадиган маҳсулотнинг – асалнинг олиниши ҳам ўта муҳимдир. Суфориш ишларининг даражаси ва пахта навининг турига қараб, 1 га пахтадан 1 қутидан бир кунда 0.5 кг дан 3.5 кг гача асал олиш мумкин. Ўрта ҳисобда тўлиқ чангланиш амалга ошиши учун 1 га майдонга 1-2 оила (уя) асалари зарур. Гуллаш даври бошланган июл ойининг охиридан сентябрнинг охиригача 10 га майдон пахта даласи ёнида доимий тарзда жойлашган ҳар бирида 12

¹ Қозогистоннинг миллий биотехнология маркази. - http://gmobase-ncb.kz/ishodnye_organizmy/hlopchatnik/

2-жадвал. Асалариларнинг бор-йўқлигига боғлиқ ҳолда беда ҳосилдорлигини солиштириш

	Асаларилар chanглатган беда	Асаларилар chanглатмаган беда
Ургунинг сифати	Йирик, оғир, бутун	Кўпининг ичи бўш, енгил
Ургунинг ҳосилдорлиги 1 га дан (кг. да)	57 кг	37,3 кг
1 кг 20 000 сўм бўлган нархда беда ургуларини сотишдан олинган даромад	1 140 000 сўм	746 000 сўм
Фермер учун умумий қўшимча даромад	394 000 сўм	0
Асал ишлаб чиқариш (беда учун барча зарур бўлган агротехник тадбирлар ўтказилганда), 1 кунда 1 га дан 2 кг, асаларичи 10 кун турган	20 кг	0
1 кг 20 000 сўм бўлган нархда асаларичи учун асални сотишдан олинган даромад	400 000 сўм	0
Туман иқтисодиёти учун қўшимча даромад, 1 га дан	794 000 сўм	0

тадан ром бўлган 20 та асалари уяси асаларичига 700 кг дан 3000 кг гача соф пахта асали беради. Асал нуқтаи назаридан АН-Бойавут-2 пахта нави Ўзбекистонда энг ҳосилдор ҳисобланади.

Айнан асаларилар аграр ландшафтдаги зарур экологик вазифани бажарувчи ҳашаротлар ҳисобланади. Афсуски, ёввойи чанглатувчи ҳашаротлар инсон томонидан ўзгартирилган ландшафтда яшаш учун мос шароитларга эга эмас. Қишлоқ хўжалиги ўсимликларига ишлов бериш (дорилар ёки химикатлар билан, масалан, мочевина билан ёки дефолиация пайтида) ёввойи ҳашаротлар учун ҳам, оддий асаларилар учун ҳам фалокатли ҳисобланади. Лекин ишлов бериш пайтида асалариларнинг жойлашишини назорат қиласа бўлади, бу эса ҳашаротларнинг бекорга ўлиб кетишининг олдини олишга ёрдам беради. Албатта, фермер далага ишлов беришни мўлжаллаётгани ҳақида олдиндан хабардор қилиши керак.

Лойиҳамиз доирасида беда ва бодрингларнинг ҳосилдорлиги асалариларнинг бор-йўқлигига боғлиқ ҳолда қандай ўзгаришини солиштиридик. Бир хил суғориш шароитига эга бўлган бир хил далалар танланди. Лекин назорат қилинаётган далалар асаларилар томонидан чанглатилмаган эди, намойиш қилинаётган даланинг ёнида эса ҳар бир ари уясида 12тадан рамка бўлган 10та ари уяси-

дан иборат асалари кутилари жойлаштирилди.

Беда ҳосилининг қўшилган миқдорини намойиш этиш учун Паркент туманидаги энг яхши Тошкент-1 беда навидан фойдаланилди. Натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Худди шу каби таҳлил бодринглар ҳосили учун ҳам ўтказилди. Барча кўрсаткичлар 3-жадвалда келтирилган.

Хулоса ва маслаҳатлар

Хулосалар оддий ва ўз-ўзидан юзага келади:

- Қишлоқ хўжалиги далалари олдида асалариларнинг мавжудлиги фермерлар учун ҳар қандай ҳолатда ҳам фойдали бўлади;
- Асалариларнинг чанглатишидан ҳосилдорликнинг ўсиши ўсимлик турига ва экиш шароитлариган қараб 10 фоиздан 100 фоизгача ташкил этади;
- Маҳаллий ҳокимият асаларичиларнинг ишига ёрдам кўрсатиши керак, чунки аҳолининг соғлифи учун муҳим бўлган тўғридан-тўғри олинадиган маҳсулот – асал ва асаларичиликнинг бошқа маҳсулотларидан ташқари, асаларичилар фермерларга қўшимча ҳосил олишлари учун зарур бўлган хизмат кўрсатадилар.

3-жадвал. Асалариларнинг бор-йўқлигига боғлиқ ҳолда бодринг ҳосилдорлигини солиштириш

	Асаларилар chanглатган бодринг	Асаларилар chanглатмаган бодринг
Бодрингларнинг сифати	Ширин, серсув	Нордон-ширин
Бодрингларнинг ҳосилдорлиги 1 га дан (кг. да)	2 600 кг	2 000 кг
1 кг 200 сўм бўлган нархда бодрингларни сотишдан олинган даромад.	520 000 сўм	400 000 сўм
Фермер учун умумий қўшимча даромад (асаларилар бор йўғи 3 кун турган)	120 000 сўм	0
Асал ишлаб чиқариш (бодринг учун барча зарур бўлган агротехник тадбирлар ўтказилганда)	1та ари уяси учун 3 кунда 300 грамм	0
1 кг 80 000 сўм бўлган нархда асаларичи учун гул-чангни сотишдан олинган даромад	48 000 сўм	0
Туман иқтисодиёти учун қўшимча даромад, 1 га дан	168 000 сўм	0

4 МАЙДОНЛИ УСУЛДА ЕМ – ХАШАК ЭКИНЛАРИНИ АЛМАШТИРИБ ЭКИШ – ХУДДИ ШУ ЕРДАН З БАРОБАР КҮП ҲОСИЛ ОЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ

Фойдаланишга янги ерларни қўшмасдан ҳамда бошқа экинлар экиладиган ерларни эгалламасдан туриб ем-хашак ҳосилини З баробарга ошириш мумкинми? Ҳа, мумкин. Шу захотиёк 2-чи савол пайдо бўлади: агар мумкин бўлса нимага унда ҳеч ким ҳанузача бу амалиётни ҳаётга тадбиқ этмаган? Аниги, бу билимларнинг тарқалмаслиги муаммоси бўлса керак. Чорвачилик ва ем-хашак таёrlашга ихтисослашган фермерлар бундай имкониятлар ҳақида аниқ маълумотларга эга эмаслар. Агарда кўпроқ ҳосил олиш учун имконият бўлса, нега ундан фойдаланмаслик керак? Ахир, ем-хашак учун ажратилган ерлар оз ва у доим етишмовчиликда бўлса.

ГЭЖ КГД нинг янги лойиҳаси ем-хашак етиштириш учун ердан самарали фойдаланиш ва *шу билан бир пайтда ернинг унумдорлигини тиклаш* ҳамда уни янада пасайишининг (деградация) олдини олиш учун бундай технологияларни тарқатишини ўзига мақсад қилиб олган. Ушбу технология ҳаётга тадбиқ этиш учун Самарканд қишлоқ хўжалиги институти томонидан Пойариқ тумани фермерлари уюшмаси ва «Файзуллаев Азиз А.» фермер хўжалиги билан ҳамкорликда таклиф этилмоқда.

Ушбу технологиянинг 2 та таркибий қисми бор: 1) кўпроқ ем-хашак олиш ва 2) тупроқни яхшилаш. Биз бу икки таркибий қисмларни ёритиб беришга ҳаракат қиласиз.

Кўпроқ ем-хашак

1-сон чизмада кўрсатилганидек мавжуд бўлган алмашиб экиш таркиби (кузги буғдой, маккажӯҳори) **4 майдонли усулда алмашиб экишининг калта ротациясини** жорий қилиш натижасида, кўпроқ ем-хашак ҳосил бўлади.

Одатда фермер хўжаликлари экинларнинг навбатланиши, яъни 50 фоиз буғдой ва ғалла ўрнига 50 фоиз маккажӯҳори тартибини қўллайдилар. Анъанавий тарзда экинларни алмашиб экиша (назорат) кузги буғдой ёки арпа экилади; кузги буғдой ёки арпанинг хосилдорлиги 40 ц/га тенг бўлганда, 1 га ерда чиқадиган ем-хашак 40 ц/га x 120 х.б = 4800 х.б. (х.б. - ем-хашак бирлиги). Одатда ғалла ўрнига маккажӯҳори экилганда унинг ҳосилдорлиги 40 ц/га x 134 х.б = 5 360 х.б га

тенг ва барг-поя массасининг ҳажми 60 ц/га x 37 х.б = 2 220 х.б тўғри келади. Жами эса 7580 х.б ни ташкил этади. Кўпинча кузги буғдой, арпа ёки маккажӯҳори йигиб олинганидан сўнг далалар хеч нарса экилмай бўш қолади. Шундай қилиб, таққосланаётган миқдор (назорат) - **7580 х.б** га тенг.

Юқорида келтирилган ем-хашакни 4 майдонли жадал алмашиб экишдан 1 йилда олинадиган ҳосил:

1 га майдондаги 1 - дала: 6000 х.б. + 8040 + 2520 + 5000 = 21560 х.б.

1 га майдондаги 2 - дала: 11000 х.б. + 6000 = 17000 х.б.

1 га майдондаги 3 - дала: 18400 х.б. + 2760 + 6300 = 27460 х.б.

1 га майдондаги 4 - дала: 10720 х.б. + 3360 + 6000 = 20080 х.б.

Жами 4 га майдондан: 21560 х.б. + 17000 + 27460 + 20080 х.б. = 86100 х.б.

Ўртacha 4 майдонли алмашиб экишдан 1 га ердан 86 100 х.б./4 га = **21525 х.б.**

Аслида 1 га ердан 21525 х.б. олинади, бу мавжуд одатий алмашиб ем-хашак экишдан олинадиган ҳосил (7580 х.б.) дан 2,8 баробар ортиқдир. Бундай улкан фарқ ҳосил миқдорининг оширилиши, экинларни диверсификация қилиниши ҳамда тақорорий ва оралиқ экинларнинг экилиши ҳисобига юз беради.

Албатта фермерларда сарф - харажатлар юзасидан ўринли саволлар пайдо бўлиши мумкин. Амалга ошириладиган ишларнинг кўпайиши ўз-ўзидан харажатларни ҳам оширишидек туюлади. Олинган фойда қанчалик харажатларни қоплади? Ушбу лойиҳа айнан шу саволга кўрсатилган технологиянинг иқтисодий таҳлилини амалга оширган ҳолда жавоб беради. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ ишонч билан айтиш мумкини, натижалар ижобий бўлиши аниқ. Лойиҳанинг ривожланишини кузатиб боринг.

Тупроқнинг яхшиланиши

Кўшимча ҳосил олишдан ташқари тупроқнинг сифатини ошириш ва ернинг унумдорлигини пасайишини тўхтатиш ҳам мухим ҳисобланади. Буни пул миқдорида ифодалаб бериш анча мушқул, бироқ тупроқнинг ҳар бир кўшимча балл бонитетининг қанча ҳосил беришини кўрсатиб бе-

4-жадвал. Ем-хашак учун ажратилган майдонлар

Республика бўйича (минг. га)	2007	2008	2009	2010
Ем-хашак учун ажратилган умумий майдон	290.0	278.5	302.5	320.4
Фермер хўжаликлирида ем-хашак учун ажратилган майдон	197.4	189.5	211.9	238.3
Самарқанд вилояти бўйича				
Ем-хашак учун ажратилган умумий майдон	53.1	36.7	33.3	26.6
Фермер хўжаликлирида ем-хашак учун ажратилган майдон	39.2	21.5	18.7	15.0
Манба: Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги, статистик тўплам. Тошкент 2011.				

1-сон чизма. 4 майдонли усулда алмашып әкишнинг даврийлиги

Йил	Давр			
1-йил		Галла ўрнига күзгі әкінлар - октябр-июн + түпнұқ үстиннің әпілиши	Галла ўрнига маккажүхори - июн-октябр	Күкат масса ўрнига оралык әкінлар (тритикале + вика) - октябр - апрел
2- йил		Ем-хашак ипримевали ўсимликтар ва күкат масса ўрнига хашаки лавлаги - апрел - октябр	Күкат масса ўрнига оралык әкінлар (тритикале + вика) - октябр - апрел	
3- йил		Күкат ем ва сиолос жүхори + маккажүхори - апрел - июн	Галла ўрнига тез ўсадыған соя - июн - октябр	Оралык әкінлар (сули + вика + хашаки үнхат) ўрнига күкат ем - октябр - апрел
4-йил		Маккажүхори ўрнига галла - апрел-октябр	Күкат масса ўрнига дүкек-бүшкөли ўсимликтар - октябр - март	Хашаки лавлаги март - октябр

Рұвчи услугуба тажрибалар мавжуд. Умуман олғанда, биз қанча тупроқни яшхиласақ, экотизимимиз шунча соғлом бўлади, келажақда фермерларимиз ҳосили шунча мўл бўлади, бу эса ўз навбатида мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги барқарорлигини таъминлайди.

Тупроқнинг сифати қуйидаги омиллар орқали яхшиланади:

1. Лойиха тупроқни муҳофаза қилувчи дәхқончиллик технологиясидан фойдаланади ёки бошқача қилиб айтганда ерга ноль ишлов бериш. Ушбу технология ҳаражатларни 30-40 фоизга камайтиради. Аммо энг муҳими бу технология тупроқнинг микрофаунасини тиклашга имкон беради, бу эса унинг унумдорлигини оширади. Ушбу технологиянинг алоҳида элементлари қуидаги кўрсатиб ўтилган.

2. Тупроқни ангизлар билан қопланиши тупроққа органик организмларнинг қайтишига шароит яратади, тупроқдаги чиринди ва фойдали организмларнинг миқдорини оширган ҳолда унинг тузилишини яхшилайди.

3. Технология шундай яратилганки, унда тупроқ доим яшил қоплам билан ёпилган бўлиб, унинг доим соядо бўлишини таъминлайди, тупроқнинг қизишини камайтиради, юқорига йўналтирилган ер-ости минерал сувларининг оқимини пасайтиради. Тупроқ қизишининг камайиши пастга тушаётган сув оқимини оширади, бу эса суғориладиган сувга тузларни ичкарига яхшироқ ювишга ёрдам беради, тупроқни заарарли тузлардан шўрсизлантириш ва бу орқали суғориш учун сарфланадиган сув миқдорини камайтириш имконини беради. Худди шу тамойиллар, яъни тупроқ үстини доимо соя остида тутиш, бизнинг Қорақалпогистонда амалга оширилган фитомелиорация билан боғлиқ лойихамиизда кўлланилган (юқоридаги мақолани кўринг).

4. Ерни лазерли жойлаштириш сувни тежашдан ташқари тупроқда тузларнинг йиғилишини олдини олади.

5. Кўптармоқли, зич чирмашиб кетган илдиз тизимиға эга турли дуккакли, бўшоқли ўсимликтарнинг әкилиши ернинг ҳайдалган қатламида илдиз қолдикларининг йиғилиб, тупроқни органик моддалар билан бойитади.

6. Худди шу қолдиклар тупроқда намликтиннинг яхшироқ сақланиши ва қишики ёғингарчиликларнинг түпланиши, сув ва шамол эрозиясига қарши самарали ҳимоя ҳисобланади. Бундай қолдикларнинг йиғилиши тупроқнинг илдиз қатламида унинг сув-физик ҳусусиятларини яхшилайди, намликтиннинг ўта бўғланиши ва шўрланишини олдини олади.

7. Дуккакли әкінларнинг әкилиши тугунак бактериялар томонидан атмосфера азотининг йиғилишини оширади, бу эса ўз навбатида тупроқ унумдорлигининг яхшиланишига олиб келади.

Бундан ташқари ушбу технология тупроққа ишлов бериш (азоттинг ачиши) натижасида атмосферага парник газларининг ажралишини камайтириши ва ўзининг намликтини сақловчи ҳусусиятлари ҳисобига фермерларнинг яқинлашаётган курғоқчилик ва сувнинг камайиб кетишига мослашиши нуқтаи назаридан жуда муҳимdir.

Натижада нимага эришамиз?

Лойиха энди бошланмоқда, аммо кутилаётган натижалар ҳозирнинг ўзидаёқ юқори. Биз умид қиламизки лойихадан кутган барча натижаларимиз оқланади ва ушбу технология:

- Келажақда тупроқни шамол ва сув эрозиясига учрашидан сақлаб, унинг унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш имконини беради;
- 1 га суғориладиган ердан олинадиган ҳосилни ошириб, чорвачилик учун зарур бўлган ем-хашакни ишлаб чиқариди;
- Кўп омиллар (суғориладиган сув, ёқилғи-мойлаш материалларининг тежалиши, миқъёсда тежаш) ем-хашак таннархининг пасайишига имкон беради.

Якуний натижалар лойиха якунланганидан сўнг аниқ бўлади. Бироқ ҳозирнинг ўзидаёқ айтиш мумкинки, бу алоҳида эътибор талаб қилувчи самарали ва стратегик муҳим технология. Агар лойиха Самарқанд вилоятида ижобий натижалар кўрсатса, технология Республика бўйича албатта тарқатилади.

КГД ГЭЖ ушбу технологияни юртимизнинг бошқа вилоятларида ёймоқчи бўлган барчага кўмаклашишга тайёр.

ДАРАХТЗОР ҚАТОРЛАРИ ЕРЛАРНИНГ УНУМДОРЛИГИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРУВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА

Э.К.Ботман, Қишлоқ хўжалиги ф.н,
Декоратив боғдорчиллик ва ўрмон хўжалиги
бўйича республика илмий-ишлаб чиқариш маркази

Камта маблагъ сарф эттасдан ернинг унумдорлигини 15-20 % га оширишининг иложи борми?
Ҳа бор.

Ҳосилдорлик ва давлат озиқ-овқат таъминоти ҳавфсизлигини сақлаб туриш учун тупроқнинг юқори унумдор қатламини сақлаб қолишининг иложи борми ? Ҳа бор.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг салмоқли қисмини ташкил этади. Суғориладиган дехқончилик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти ҳавфсизлигининг асоси ҳисобланади. Куруқ минтақадаги суғориладиган ерлар сунъий яратилган экосистемага киради, шундай экан, бундай ерлар доимий равишда ўзининг унумдорлигини сақлаб туриши учун ўзини-ўзи бошқариш кучига эга эмас ва шунинг учун экологик асосланган бошқарувга муҳтоҷдир.

Муаммо

Тупроқнинг юқори унумдор қатламининиг йўқолиши ҳамда ҳосилдорликнинг тушиб кетишининг асосий сабаби – шамол эрозияси. Шамолнинг иккита асосий салбий ҳусусиятлари ва уларнинг олдини олиш йўлларини билиш керак:

1. Ҳаво/шамол ҳароратининг аҳамияти йўқ, лекин, агарда баҳорда энди ҳайдалган ерга қаттиқ шамол эсса, у ернинг ҳайдалган қисмини тез қуритиб юборади. Ҳайдалган ернинг куриб кетиши унинг таркибини ҳам ўзгартиради, унда шамол пайтида юқорига кўтариладиган майда дисперс зарралар пайдо бўлади. Бунинг натижасида ернинг юқори энг унум-



Дарахтзор қаторлар ғўзапояларни ҳимоя қилиши

дор қатламининг учиши содир бўлади. Шунга ўхшаш ҳолат ёзда донли экинларнинг йигим-теримидан кейинги ҳайдалган ерда, буғдои йигимидан сўнг ер вегетатив қоплама билан қопланмаган пайтда, кучли шамол таъсирига учраганда, ернинг юқори энг унумдор қатламининг йўқолиши/учиши кузатилади.

2. Ҳаво намлигининг пастлиги ва ҳаво ҳароратининг юқорилиги натижасида ёзги шамолнинг қишлоқ хўжалиги ўсимликларига бошқа салбий таъсири ҳам мавжуд. Ғўзада масалан , гармсеп шамол пайтида ўсимлик элементларининг яъни ғунча, унинг гуллари, ёш уруғдонлар учишини кузатиш мумкин. Маълумки, бу ҳосилни бевосита йўқотилишидир. Донли экинларда бундай шамоллар туфайли донларининг бузилиши яъни тўлиқ бўлмаслиги кузатилади.

Далаларимизнинг деярли 65 фоизи шамол эрозиясига учрайди. Сўнгийилларда юртимиз тупроқларидаги чириндилар микдори 30-50 фоизга тушиб кетган. Суғориладиган ерларнинг чамаси 40 фоизини чириндилар микдори паст бўлган ерлар ташкил этади (1,0 фоизгача). Натижада ўзининг мелиоратив ҳолати сабабли қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиладиган ерлар ҳажми кун сайин қисқармоқда.

Муаммони ечиш йўллари

Шамол эрозиясига қарши ва далаларнинг микроклимини яхшилашнинг яна бир усусларидан бири бу далаларни дарахтзор қаторлари билан ўраб ҳимоялашdir.

“Далаларни ҳимояловчи дарахтзор қаторлари” ўзининг номи билан далаларни ҳимоялаш учун экиладиган дарахтзор қаторлари эканлигини айтиб турибди. Дарахтзор қаторлари далаларга эсадиган шамолнинг тезлигини пасайтиради. Шамол тезлигининг секинлашиши бошқа микроклим ҳусусиятларига, жумладан, ҳаво намлиги, ҳаво ва тупроқ ҳарорати ва бошқаларга таъсири катта.

Суғориладиган (шу жумладан, лалми ерларда ҳам) ерлар атрофидаги дарахтзорлар бир қанча устунликларга эга, ҳусусан:



Дарахтзор қаторларнинг қишлоқ хўжалиги учун ҳимояси

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдоргигини оширади – Ҳосилдорлик **15–20 фоизга** ошибина қолмай, ҳосилнинг сифати ҳамда толаларининг узунлиги ҳам ошади. Ҳимояланган далалар ҳудудида микроқлимнинг яхшиланиши сабабли:

- шамол тезлиги 38 – 34 фоизга пасайиши рўй беради, бунинг натижасида эса тупроққа яқин ҳаво қатламининг намлиги 5 – 9 фоизга ошади;

- ёзда ҳаво ҳарорати 10°C га, тупроқ ҳарорати эса $1,2^{\circ}\text{C}$ га пасайди;

- сув захираларини камайиб кетишининг секинлашуви, тупроқда намликнинг сақланишинг яхшиланиши ҳамда ҳароратнинг пасайиши тупроқда яшовчи микроорганизмларнинг ҳаёт кечириши учун кулай шароитлар яратади. Бу эса ўз навбатида тупроқнинг унумдорлигини оширган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ва ҳажмини ошиши учун кулай шароитdir.

2. Тупроқнинг юқори унумдор қатламининг йўқолиб кетиши тўхтайди - Ҳимояланган далаларда шамол тезлигининг пасайиши тупроқнинг шамол эрозиясига учрашини олдини олади ёки жуда ҳам секинлаштириб юборади, натижада эса тупроқнинг юқори унумдор қатламининг учishi тўхтайди;



Бундай "полвонлар" қиша ҳам ўзининг "ишлар"ини қиласидилар

3. Минералланган ер-ости сувларини назорат қилиш – Ёз пайтида дараҳтларнинг крони катта миқдордаги ер остидан шимиб олинган сувларни дараҳтларнинг япроқлари орқали буғлантиради. Бу жараён ўсимликларда транспирация деб номланади. Дараҳтлар насос каби ишлайдилар яъни ўзларининг илдизлари орқали ер-ости сувларини тортиб, япроқлари орқали буғлантирадилар. Натижада биологик дренаж сифатида хизмат қилиб, менералланган ер-ости сувларининг сатхини камайтиради, шундай экан у тупроқнинг иккиласми шўрланишининг олдини олади. Юртимиздаги деярли ярмидан ортиқ ерлар тупроқдаги менералланган сувларнинг туриб қолганлиги сабабли иккиласми шўрланишга мойиллигини ҳисобга олган ҳолда, бу жуда ҳам муҳим ҳусусият ҳисобланади.

Бу фермерлар учун дараҳтзор қаторларининг энг асосий устунлигидир. Аммо бундан ташқари ҳам

дараҳтзор қаторларининг яна бир қанча устунликлари мавжуд, жумладан:

Ҳавони тозалайди – Дараҳтлар япроқларида катта миқдорда чанг–губорларни ушлаб қолиш билан атрофни тозалайди. Бундан ташқари дараҳтлар, асосан, тераклар ўзларининг япроқларидан фитонцид, касаллик келтирувчи микроорганизмларни ўлдирувчи модда ажратади;

Эстетика – Дараҳтлар қишлоқ хўжалиги далаларининг зерикарли манзарасига хилма-хиллик киритади, унинг эстетик жозибадорлигини оширади;

Дам олиш учун жой – Кўпинча воҳаларда айнан дараҳзорларгина аҳоли учун ягона дам оладиган жой бўлиб хизмат қиласиди;

Ёввойи табиат учун макон – Доим бир хил қишлоқ хўжалиги аграр манзарасида дараҳтзорлар ёввойи табиат учун баъзан ягона бошпана, табиий биохилмачиллик (кушлар, хашоратлар, майда сут эмизувчилар ва ҳ.к лар) учун ўчоқ бўлиб хизмат қиласиди. Экология фанидан маълумки, экосистема қанчалик хилма-хил бўлса, у шунчалик турғун бўлади;

Углеродни ютади – Дараҳтлар атмосферадан углерод билан озиқланиб, карбонат ангидрид газини ютади. Улар бу билан дунё миқёсидаги иқлим тизимини тартибга солишига ёрдам беради. Ҳисоб – китобларга қараганда 1 га ерга экилган дараҳтларнинг кўчати ҳар йили 4.48 тонна углеродни ютади, бу эса 1 йилда 16,43 тонна CO_2 га тенг келади. Далаларни ҳимояловчи дараҳтзорларнинг ўртacha хизмат муддати 30 йил деб олинса, унинг келажакдаги карбонат ангидрид газини ютиш салоҳияти $16,43 \text{ t} \times 30 \text{ йил} = 492, 9 \text{ тонна } \text{CO}_2 \text{ га тенг}$;

Ўтин сифатида ишлатилиши – суғориладиган ерларнинг атрофидаги дараҳтзорлар асосан далаларни ҳимоялаш учун мўлжалланганлигига қарамасдан, уларнинг хизмат муддатлари ўтиб бўлгач, ўтин сифатида ишлатилиши мумкин. У вақтга келиб улар ўзларида ($500 - 600 \text{ m}^3/\text{га}$ тенг) ёғоч захираларини тўплайди ва бу билан ўзининг ҳам асосий, ҳам ёғоч вазифасини бажаради. Ёғочнинг танқислиги ва унга бўлган нархларнинг юқорилигини ҳисобга олсан, унинг бу вазифасини ҳам унутмаслик лозим;

Бошқа вазифаси – далаларни ҳимояловчи дараҳтзор қаторларидан ташқари қишлоқларда кўчатларнинг бошқа турларининг ҳам экилиши жойдаги ерларнинг таркибини яхшиланишига, микроқлим ҳамда аҳолининг яшаш жойларига ижобий таъсир кўрсатади. Бу масалан, ихтисослаштирилган экин майдонларида дараҳт турлари (ипак қуртларини боқиш учун тут дараҳти, аҳоли яшайдиган жойларда кўкаламзорлаштириш ва ўтин учун ишлатиладиган тераклар ва бошқа тез ўсадиган дараҳт турлари) бўлиши мумкин.

Қандай қилиб далаларни ҳимояловчи дараҳтзор қаторлари экиласиди?

Далаларни ҳимояловчи дараҳтзор қаторларини экишнинг ҳаммабоп технологияси ишлаб чиқилган.

Уларни яратишида бир нечта тамойилларни унут-
маслик лозим:

1. Экиладиган дараахтлар даланинг чеккасида экил-
ган битта ёки иккита дараахтина бўлиб қолмай улар
бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлган тартибни
ташкил этишлари лозим. Бир-бирлари билан узвий
боғлиқ бўлган тартиб дейилганда бир ҳудуднинг
дараахтлар қатори билан тўлиқ қопланиши (1-4
қатордан иборат) яъни дараахтлар бир-биридан
маълум бир масаофада экилиши керакки, унда бир
қаторнинг шамолни тўсив турувчи таъсири, бошқа
қаторнинг таъсири билан қопланиши керак.

2. Қаторлар шамолга нисбатан перпендикуляр жой-
лашган бўлади, улар асосий қаторлар дейилади. Ша-
моллар кўпинча ўз йўналишларини ўзгартиришлари
сабабли бошқа йўналишдан эсаётган шамоллардан
ҳам ҳимояловчи кўшимча қаторлар ҳам бўлиши керак.
Шунда қаторлар тўғри бурчакли тўртбурчаккўринишида
(пастдаги расмга қаранг), уларнинг узун томони асосий,
калталари эса кўшимча қаторлар бўлади.



3. Тадқиқотлар натижасида қатордаги дараахт қанча
узун бўлса, унинг таъсири доираси шунча узоқ
бўлиши аниқланган, яъни узун дараахтлар (терак, чи-
нор, қайрагоч, шумтол, мажнунтол ва бошқалар) эки-
лиши айни муддаодир. Қаторнинг баландлиги унинг
таъсири доираси билан узвий боғликлиги аниқланган.
Таъсири доирасининг узунлиги баландликдан таҳми-
нан 20-25 баробар (Н) узун. Демак қаторлар ораси-
даги масофа 20-25Н, яъни Н бу қаторнинг метрдаги
узунлигининг кўриниши бўлади.

4. Дараахт–буталарнинг қаторларда жойлашиши-
га қараб унинг конструкцияси вужудга келади ва у
зич, батартиб ёки шамол урадиган бўлиши мумкин.
Қаторларнинг конструкцияси ҳам худди унинг узун-
лиги каби қаторларнинг таъсири доираси ва бошқа
бир қанча ички ҳоссаларини аниқлайди. Илмий
тадқиқотлар натижасида суғориладиган ерни ҳимоя
қилиш учун унинг 3 фоиз қисминигина дараахтзор
қаторлари билан ўрашнинг ўзи етарли. Улар қисман
узоқроқда, йўлларга яқин жойларга экилиб, асосий
суғориладиган ерларнинг жойини эгалламайдилар.

Ҳулоса

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида Ўзбекистон
худудида далаларни ҳимояловчи дараахтзорлар

40 минг гектарга яқин ерларни ташкил этган. Бу-
гунги кунга келиб улар деярли қолмаган. Афсуски
сўнгги йилларда янги дараахтзор қаторлари экил-
май қўйилган, эскилари эса қариганлиги ёки кесиб
ташланганлиги туфайли ишдан чиқкан.

Дараахтзор қаторларининг йўқолиб кетиши ернинг
унумдорлигини кескин тушириб юборди. Албатта, биз
тупроқнинг унумдорлигининг пасайишининг асосий са-
баби айнан дараахтзор қаторларининг йўқ бўлиб кетиши
деб таъкидламаймиз. Бу муаммонинг аниқ бир асосий
омили йўқ. Бу ерда бир нечта омиллар мавжуд бўлиб,
далаларни ҳимояловчи дараахтзор қаторларининг
йўқолиб кетиши асосий омилларнинг биридир.

Шунинг учун,
а. Фақатгина даланинг (ҳозирда бизда мавжуд бўлган)
аграр манзарасини ўрмон-аграрга (далаларни
ҳимояловчи дараахтзор қаторлари ва бошқа функцио-
нал хусусиятли экинлар билан) ўзгартириш лозим;

б. Далаларни ҳимояловчи дараахтзорлар
қаторларни экиш ташаббуси билан давлатнинг
ўзигина эмас, балки фермерларининг ўзлари
чиқишлари лозим. Айнан шундагина бундай
қаторларни яратилиши рағбатлантирувчи омил
ва юқори самарадорликка эга бўлади.

в. Давлатнинг маҳаллий бошқарув органлари
фермерларни далаларни ҳимояловчи дараахзор
қаторларини экишларида қўллаб-қувватлашлари
лозим. Кўп фермерлар уларга дараахтзор-
лар қаторларини далалар атрофида экишнинг
тақиқланишини, бунинг ўрнига даланинг бутун
ҳудудига фақат одатий экинлар экилиши керакли-
ги шартлари мавжудлигини айтиб ўтишган. Аввал
айтиб ўтилганидек, дараахтзор қаторлари учун да-
ланинг атиги Зроиз қисмигина ажратилса етарли
ҳисобланади. Бунинг натижасида эса улар ҳосилни
15-20 фоизга оширишга эришадилар ва энг муҳими
ернинг унумдорлиги кейинги ҳосилларда ҳам
сақланиб қолади. Айнан бу унинг энг афзал томони
ҳисобланади.

Аҳолининг юқори суръатлар билан ўсиши, унинг тур-
муш дараажасини ошириш масалалари, озиқ-овқат
хавфсизлигини таъминлаш, ернинг унумдорлигини
oshiриш ва сақлаб қолиш катта сармоя талаб этади.
Далаларни ҳимояловчи дараахтзорларни юртимиз
худудида қайта шакллантириш суғориладиган ерларда
тупроқнинг унумдорлик дараажасини барқарорлашиши
ва унинг сифати яхшиланишига олиб келади.

Ўзбекистондаги Глобал Экологик Жамғарманинг
Кичик Грантлар Дастури юртимизнинг туман ва
вилоятларида суғориладиган ерлар атрофида
далаларни ҳимояловчи дараахтзор қаторларини
барпо этиш юзасидаги ташабbusларини қўллаб-
қувватлашга тайёр. Савол ва таклифлар билан
alexey.volkov@undp.org электрон манзилига ёки
+ 998 71 120-34-62 (ишхона), + 998 93 381-00-82
(уяли телефон)га мурожаат қилишингиз мумкин.

ГЭЖ КГД ЯНГИЛИКЛАРИ ВА ВОҚЕАЛАРИ

Наманган ва Қашқадарё вилоятларида фермерлар учун далаларни лазерли жойлаштириш бўйича семинарлар

2012 йилнинг 20 ноябрида Наманган вилоятининг Мингбулоқ ва кўшни туманлари фермерлари учун ўкув семинари бўлиб ўтди. Фермерларга лазерли жойлаштириш ерлар унумдорлиги пасайишнинг олдини олишда самарали усул, сувни тежовчи ҳамда ҳосилдорликни оширувчи муўим омил эканлиги ҳакида батафсил гапирилиб берилди. Семинар бизнинг лойиҳамиз бош ҳамкори - Наманган инженер технологиялар институти томонидан ташкиллаштирилди.

Худди шундай семинар 2012 йилнинг 28 ноябрида Қашқадарё вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Семинарда вилоятнинг 6 та тумани фермерлари иштирок этишиб, тадбир чоғида БМТ Тараққиёт Дастиурининг Иқлим хавфини бошқариш бўйича қўшма лойиҳаси ва ГЭЖ КГД томонидан 12 та лазер ускунаси топширилади. Семинар Қарши шахрида бўлиб ўтди.

Икки семинарда ҳам технология бўйича бош му-тахассис, Хоразм вилояти ННТ КРАССдан Ойбек Эгамбердиев иштирок этди. ННТ КРАСС (www.krass.uz) ушбу технологияни ГЭЖ КГД ёрдамида бутун мамлакатимиз ҳудудуда ёйилишининг ташаббускорларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда далаларни лазерли жойлаштириш бўйича лойиҳалар Хоразм, Наманган, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпогистон Республикасида амалга оширилган ёки амалга оширилмоқда. Агар юртимизнинг бошқа вилоятларида ушбу технологияни ёйиш бўйича ташаббускорлар (ҳокимиятлар, Фермерлар Кенгashi, Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, институт ва бошқалар) бўлса, Биз албатта ушбу ташаббусларни қўллаб-куватлашга тайёрмиз. Грант олиш бўйича батафсил маълумотни бизнинг сайти www.sgp.uz нинг, «Жараёнлар» бўлимидан олишингиз мумкин.

Иссиқхоналар учун биогаз

ГЭЖ КГД биогаз олиш технологиясини ёйиш ҳамда уни юртимиз ривожи учун ишлатилиши бўйича ишини давом эттирилмоқда. Бугунги кунда ГЭЖ КГД биогаз бўйича иккита лойиҳани ҳаётга тадбиқ



этишга кўмаклашмоқда: бири Наманган вилоятида, иккинчиси Тошкент вилоятида. Икки лойиҳа ҳам биогаз ишлаб чиқариб, уни иссиқхоналарни энергия билан таъминлашда ишлатилишини кўрсатиб беришга йўналтирилган.

Тошкент вилоятидаги лойиҳа Сабзавотчилик, картошкачилик ва полиз экинлари институти ташаббуси, ГЭЖ КГД, БМТ Тараққиёти Дастиури («Ўзбекистон Бизнес Форуми» лойиҳаси) ҳамда Корея тараққиёт агентлиги (КОИКА) молиявий ёрдами ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмагида амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида институт 4 турдаги катталиги бир хил бўлган иссиқхоналар ва уларни биогаз билан таъминловчи биогаз ускунасини куради. Лойиҳа ҳар бир турдаги иссиқхонани иситиш учун кетадиган газ миқдорини ҳисоблаб чиқиши керак. Шу билан бирга, лойиҳа биогазнинг иссиқхоналарни иситиш учун қанчалик самарали эканлиги, қайси турдаги иссиқхонарни куриш газнинг сарф этилишини ва бошқа кўрсатиличлар нуқтаи назаридан фойдалироқ эканлигини аниқ ҳисоблаб чиқиб, олинган тавсифномаларни иссиқхона хўжаликлари билан шуғулланувчи фермерларга барча ижобий ва салбий томонларини ҳисобга олган ҳолда тақдим этади.

Наманган вилоятидаги лойиҳа биогаз технологиясини вилоят фермерларига намойиш этишга



ЕРЭНЕРГИЯБИОХИЛМАХИЛЛИК

www.sgp.uz

мүлжалланган. Лойиҳа Наманган вилоятининг Тўрақўргон туманидаги фермер хўжаликларидан бири (“Улуғбеклар” ф/х)да биогаз ускунасини куришни ўз ичига олади. Қишлоқда чорвачилик ахлатларидан биогаз ишлаб чиқарилиши:

- «Улуғбеклар» фермер хўжалиги ва ёнидаги 8-сонли мактабни иссиқлик энергияси ҳамда газ билан таъминлайди;
- сифатли органик ўғитларни ишлаб чиқарилишини таъминлайди;
- биогаз ускунасини куриш қўлланмасининг Наманган вилояти маҳаллий аҳолиси, фермер ва хусусий тадбиркорлари орасида ёйилишига кўмаклашади.

Лойиҳани амалга оширишда Наманган инженер технологиялар институтининг ташабbus гурухи кўмаклашмоқда.

Икки лойиҳа ҳам биогаз олиш технологияси фермерларга қуидагиларни намойиш этади:

- иссиқона ва бошқа қишлоқ хўжалиги саноати / ишлаб чиқарувчи қувватларини газ ва электр токи билан таъминлаши мумкин;
- ўтиннинг ёқилишини камайтиради ва шу билан Ўзбекистондаги дарахтларнинг кесилишини олдини олади;
- кўмир ва бошқа углеводородларнинг сарфланишини камайтиради;
- тупроқнинг самарадорлигини оширувчу жуда яхши ўғитларни ишлаб чиқаришга ёрдам беради;
- захарли газларнинг ажралини камайтиради;
- ва энг аввало, қишлоқ жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий омили бўлган энергия таъминотининг барқарор ва ишончлилигини таъминлайди.

Пассив иссиқоналар

Пассив иссиқоналар бўйича иккита лойиҳа бошланган. Пассив иссиқоналар - бу оз миқдорда ёки умуман иситишсиз ишловчи энергетик самарадор иссиқоналар бўлиб:

- уч томондан лойли (сомонли) деворлар билан ўралган бўлиб, иссиқлик йўқолишини олдини олади;
- иссиқонанинг плёнка билан қопланган бир томони аниқ жанубга йўналтирилган бўлиб, кўёш иссиқлигини олиш имконияти оширади;
- иссиқонанинг плёнка билан ўралган томони тунда ҳар қандай яхши изоляция қиладиган материалдан қилинган термо-ёпинчиқ билан ёпилади, яъни шу билан кун давомида йиғилган иссиқликни сақлади.

Энергия ресурсларининг чекланган пайтида ҳам ушбу технология иссиқоналарда сабзвотларнинг ўсишини таъминлайди.

Лойиҳаларнинг бири доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ёрдами ҳамда БМТ Тараққиёти Дастири (БМТТД) нинг молиявий кўмагида юртимизнинг 8 та вилоятида 1 тадан кўргазмали иссиқоналар қурилади. Иккинчи лойиҳа доирасида Хоразм вилоятида Урганч Давлат университети ва БМТТД ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Иқтисодиётнинг кам углеродли ривожланиш йўлига ўтишига кўмак» лойиҳаси билан яқин ҳамкорлиқда амалга оширилмоқда. Лойиҳалар ҳақидаги батафсил маълумотни бизнинг сайтимиз www.sgp.uz дан олишингиз мумкин.

Ўзбекистон ҳудудида яна гепардлар югуради

Бизнинг эски дўстимиз – Джайрон экомаркази билан биргалиқда яна битта лойиҳамиз бошланган. Янги лойиҳа Ўзбекистонга чиройли ва жозибадор йиртқич – гепардни қайтаришга қаратилган. Бу ажойиб ҳайвон



Андрей Тимченко расмлари

юртимиз ҳудудида кўп йиллар яшаб келганлигига қарамай қириб ташланган. ГЭЖ КГД WWF Russia билан ҳамкорлиқда экомарказга Ўзбекистонга гепардларни қайтаришнинг биринчи босқичини амалга оширишга кўмаклашмоқда. Умид қиласизки 2013 йилнинг баҳорига келиб Ўзбекистонга гепардларнинг биринчилари етиб келади.

Ўзбекистон ўсимликларининг географик информацион тизими (ГИТ) технологияларини қўллаган маълумотлар базаси

Ўсимликлар - мамлакат иқтисодиёти учун муўим ресурс ҳисобланади. Иқтисодиётнинг турли соҳаларини режалаштиришда қандай ўсимликлар юртимизнинг қайси жойида ва қанчалигини билиш жуда муҳим. Бу одатий яйловдаги ем-хаشاқдан тортиб, доривор ўсимликлар ҳам бўлиши мумкин. Қуидагисаволларгалойиҳадоирасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Ўсимлик ва хайвонот дунёси генофонди институти жавоб беради. Янги лойиҳа ГИТни қўллаган ҳолда маълумотлар базасини яратишга ёрдам беради.

Аслида, маълумотлар базаси тайёр бўлганда, у барча учун очиқ, яъни ҳар бир хоҳловчи мамлакат ўсимликлари тўғрисидаги маълумот ҳамда уларнинг тарқалиш худудининг визуал картасига эга бўлади. Батафсил маълумотни бизнинг сайтимиз www.sgp.uz дан олишингиз мумкин.

Фарғона водийсида хандон писта

Биз хандон пистанинг саноат плантациялари технологиясини ёйиш борасидаги фаолиятимизни давом эттироқмодамиз. Ҳозирда ушбу иш Фарғона водийсида амалга оширилмоқда. Фарғона ва Андижон вилоятларида 2 та лойиҳамиз тайёрланиш босқичида. У ерда кўрик плантациялари ташкил этилади.

Андижон вилоятида бутун Фарғона водийсини навли хандон писта уруғи билан таъминлайдиган марказ ҳамда намунали плантацияларни ташкил этиш режалаштирилган.

Фарғона водийсидаги плантацияларни ҳосилдорлиги паст бўлган, шағалли тоғ ёнбағирларида, тежамли сугориш, аниғи ерларни томчилатиб сугориш технологиясини қўллаган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган.

Тадбиркорлик орқали сайгакни сақлаб қолиши

Бугунги кунда Устюрт платосида сайгакнинг ноқонуний йўл билан ов қилиниб йўқ бўлиб кетишини тўхтатиш мақсадида лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. Сайгак дунёдаги йўқолиб кетиш арафасида турган ҳайвон ҳисобланиб, у охирги 20 йил мабайнида 95



<http://givotnie.com> сайтидан расмлар


фоизга камайиб кетган.

Ишлаб чиқилган бизнес режага мувофиқ, маҳаллий аёлларни ишга жалб этиш мақсадида маҳаллий аёллар томонидан анъанавий усулда тўқилган маҳсулотлар экспорт қилиниши ва дунё зоопаркларида сотилиши режалаштирилган. Устюртда иш билан бандлик ҳамда даромаднинг пастлиги ҳисобга олинганда, ушбу ҳаракатлар у ерда яшовчи оиласлар учун қўшимча даромад бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилган. Ушбу фаолиятда иштирок этмоқчи бўлганлар сайгакларни йўқ қилиш ва унинг маҳсулотлари (гўшти, шохи) билан савдо

қилиш билан боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни тўхтатишлари лозим. Умид қиласизки, ушбу бизнес режа маҳаллий аҳолининг турмушининг яхшиланиши ва сайгакларнинг йўқалишини тўхтатувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Микрогидростанциялар Фарғона водийсида тадбиркорлик хизматида

Ҳозирги кунда Фарғона ва Андижон вилоятларида микрогидростанцияларни қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича 2 та лойиҳамиз ишлаб чиқилмоқда.



Фарғона вилоятидаги лойиҳа: қуввати 25 кВт бўлган, 2 мини цех (пахта титадиган цех ва шоли тегирмони) ва Ўзбекистон туманининг Оқ Мачит маҳалласидаги маҳаллий шифокорлик пунктини доимий равища энергия билан таъминловчи микрогидростанцияни қуришни режалаштирган. Доимий энергиянинг мавжудлиги қишлоқдаги кичик тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда шифокор хизматларини кўрсатишга ёрдам беради.

Андижон вилоятидаги лойиҳа стратегик аҳамиятга эга. Андижон корхонаридан бирининг микрогоидро турбиналар ишлаб чиқариш учун қувватнинг мавжудлиги истеъмолчиларда ўз харидорларини топиши лозим. Лойиҳа қурилиш учун режалаштирилган 100 кВт қувватли микрогидростанцияни сертификатланган генератор билан таъминлашга кўмаклашади. Ишлаб чиқарилган электр токи алоҳида сим орқали яқин орадаги қишлоқни таъминлайди. Аҳолига электр токи сотишга фақат ДАК “Ўзбекэнерго” ҳақли бўлгани учун, микрогидростанция мазкур компанияяга энергияни улгуржи нарҳда сотади, у ўз навбатида эса уни аҳолига мавжуд тариф нархларида етказади.

Сертификатланган токнинг ишлаб чиқарилиши мустақил тадбиркорга уни тармоқа сотиш имконини беради. Аслида, лойиҳа бутун мамлакатимиз ҳудудида ёйилиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Ушбу режа бўйича кичик сув оқимларида олинган ток фақатгина микрогидростанцияни курган муйян ишлаб чиқарувчини таъминлабгина қолмай, балки яна қонуний равиша уни мавжуд тармоқлар орқали аҳолига ҳам сотилади. Буни муқобил энергияни мустақил ишлаб чиқарувчиларнинг бозорини шакллартиришдаги биринчи қадам деса ҳам бўлади.

ҚИСҚАЧА ДАСТУР ҲАҚИДА

Ўзбекистондаги Глобал Экологик Жамғарманинг Кичик Грантлар Дастури (ГЭЖ КГД) ер, сув, энергия ва бошқа табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиш имконини берадиган инновацион технологияларни жорий этиш орқали юртимизда табиатни келажак авлодларга сақлаб қолиш учун ишлайди.

ГЭЖ КГД бундай технологияларни жорий этиш учун беғараз молиявий ёрдам кўрсатади. Грантлар муйайн шартлар асосида берилади. Ушбу шартлар билан сиз бизнинг сайтимиз www.sgp.uz орқали “жараёнлар” - “Лойиха тузиб чиқилиши” бўлимида танишиб чиқишингиз мумкин.

Бизнинг сайтимизда сиз амалга оширилиб тугатилган ҳамда ҳозирги кунда амалга оширилаётган лойихалар билан танишишингизи мумкин. Албатта айтиб ўтиш жоизки, биз юртимизнинг бошқа вилоятларида ГЭЖ КГД нинг лойихалари орқали қўлланилган муваффақиятли амалиётини ёйишни қўллаб-куватлаймиз. Бизнинг ишлаш тамойилимиз – муваффақиятга эришган муайян технологияни юртимизнинг ҳар бир вилоятида бир маротабадан қайтаришимиз мумкин. Бу нимани англатади? Мисол учун, Хоразм вилоятида сувни тежаш ва қўшимча ҳосил олиш учун далаларни лазерли жойлаштириш технологиясини фермерларга ўргатиш бўйича лойиха амалга оширилган. Лойиха муваффақиятга эришган. Энди агар бизга ҳудди шу лойихани амалга ошириш таклифи билан бошқа вилоятлардан одамлар келишса, мезонларимиз ва олган тажрибамишини ҳисобга олган ҳолда, биз бажонидил рози бўламиз. Масалан, бундан сўнг биз далаларни лазерли жойлаштириш бўйича лойихаларни юртимизнинг Наманган, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпогистонда амалга оширилишини қўллаб – қуватлаганмиз. Бу ҳар бир вилоят фермерлари ва одамлари юртимизнинг бошқа чеккаларида қўлланилаётган илғор технологияларни кўриш ва улар билан Хоразмга бормасдан ўзларининг вилоятларида танишиб чиқишилари учун имконият яратиш учун қилинмоқда.

Кўпчилик бошқа вилоятга бориш имкониятига ёки хохишига эга эмас. Бу эса ушбу амалиётнинг кенг ёйилишини чегаралайди. Лекин, агар бизга ҳудди шу лойихани қайтариш таклифи билан яна Хоразм вилоятидан фермерлар мурожат қилишса, биз рад жавобини беришга мажбур бўламиз, чунки бундай лойиха Хоразмда мавжуд ва барча Хоразм аҳолиси у билан ўзининг вилоятидан ташқарига чиқмасдан туриб танишиб чиқиши мумкин.

Бизнинг вазифамиз – табиатни асраб қолиш учун қандай технологиялардан фойдаланиш мумкинлиги ва улардан қандай қилиб ва қанақа фойда олиш мумкинлигини кўрсатиб бериш... Лекин биз уларни жорий қилмоқчи бўлган ҳар бир хоҳловчига ёрдам бера олмаймиз ва беришимиз ҳам керак эмас. Биз фақат биринчиларга, тавакkal қилганларга, ёрдам берамиз. Бирон-бир технология “Ҳа, ушбу технология ишлайди” ёки ишламаслигини кўрсатиб беришга ёрдам берамиз ва тажриба билан алмашамиз. Кейинчалик эса бошқалар ўзлари, ўзларининг кучлари билан агар ушбу технологияларни самарали деб топсалар, ҳаётга тадбиқ этадилар. Биз “балиқ тутиш”ни ўргатишмиз мумкин, лекин “балиқ”нинг ўзини бермаймиз.²

Шунинг учун агар сиз энергия, ер, табиат ва Сиз ва бизнинг юртимиздаги бошқа табиий бойликларни асраб қолиш ва/ёки ундан оқилона фойдаланиш учун инновацион технологияларни жорий қилиш ёки сиз таклиф қилаётган усул, ёки боболаримиздан қолган эски усуллар ёхуд юртимизнинг бошқа вилоятлари ва чет элларда кимдир қўллаб кўрган усуллар борасида таклифлар билан мурожат қилсангиз ҳурсанд бўламиз. Мурожаат қилинг.

Барча маълумотлар бизнинг сайтимизда мавжуд - www.sgp.uz да.

² Қадимги хитой мақоли бор: “Оч қолган одамга балиқ бериб, сиз уни бир кунга тўйдирасиз. Балиқ тутишни ўргатиб эса, сиз уни бутун умрга тўйдирасиз.”